



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Давлат статистика қўмитаси Раиси

Б.Бегалов

«10» июль 2019 йил

Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати тўғрисида

Н И З О М

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизматининг (кейинги ўринларда хизмат деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ахборот хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита унинг раҳбарига бўйсунди.

3. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари жумладан, “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Хизмат ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар

агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Хизматнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Хизмат зиммасига юкланган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликда таъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Давлат статистика қўмитасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Давлат статистика қўмитасининг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

Оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида Давлат статистика қўмитаси раҳбарларининг чиқишларини ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида Давлат статистика қўмитаси фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Давлат статистика қўмитасининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

Давлат статистика қўмитаси фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

Давлат статистика қўмитасининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

Давлат статистика қўмитасининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

6. Хизмат юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги функцияларни бажаради:

ОАВда, шу жумладан, Интернет тармоғида ахборотларни эълон қилади шунингдек, қўмита расмий веб-сайтида маълумотларни янгилаб боришни таъминлайди;

ОАВ ва журналистлар, блоггерлар, статистик маълумотлар фойдаланувчиларининг сўрови асосида уларга оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этади;

Давлат статистика қўмитасининг веб-сайти ташкил этилишини ва уни замонавий даражада юритишни, шунингдек, Интернет тармоғидаги веб-ресурсларни, жумладан, Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси ҳамда Telegram месенжеридаги гуруҳи фаоллигини таъминлайди;

Давлат статистика қўмитаси томонидан ташкил этиладиган расмий тадбирлардан теледастурлар, роликлар ва лавҳалар тайёрлашда ва уларни монтаж қилишда иштирок этади ҳамда ушбу материалларни белгиланган тартибда сақлаш учун уларнинг архивлаштирилишини таъминлайди;

III. Хизматнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизматнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни Давлат статистика қўмитаси тизими бўлинмаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Давлат статистика қўмитасининг йиғилишлари, мажлислари ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун Давлат статистика қўмитасининг раҳбари билан келишган ҳолда идоранинг бошқа бўлинмалари ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва малакали экспертларини, шу жумладан, шартнома асосида жалб этиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Хизмат ваколатига тегишли масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси номидан вакиллик қилиш;

Давлат статистика қўмитасининг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Хизмат фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

8. Хизмат:

Ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Давлат статистика қўмитаси фаолиятининг миллий ва хорижий ОАВда ҳолисона, сифатли ва тезкор ёритилишини таъминлаш учун жавоб беради.

IV. Хизмат фаолиятини ташкил этиш

9. Хизмат ходимларининг сони, улар амалга оширадиган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳажмига кўра Давлат статистика қўмитасининг раҳбари томонидан, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида белгиланади.

10. Хизмат фаолияти Давлат статистика қўмитасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган иш режаси асосида амалга оширилади.

11. Хизматга Агентлик хулосасига кўра, Давлат статистика қўмитасининг раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раҳбар бошчилик қилади.

12. Хизмат раҳбари бевосита Давлат статистика қўмитасининг раҳбарига бўйсунди ва бир вақтнинг ўзида Раҳбарнинг матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади.

13. Хизмат раҳбари:

Хизмат фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Хизматга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Хизмат фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қилади, Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқармалари ҳамда ҳудудий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Хизматда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Хизмат ходимларининг малакасини ва касбий савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, хорижий хизмат сафарларига юбориш бўйича қўмита Раисига таклиф беради.

14. Хизмат ходимлари Хизмат раҳбарининг тақдимномасига кўра, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Хизмат фаолиятини ахборот, ҳуқуқий, моддий-техник ва транспорт билан таъминлаш, шунингдек, унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш Давлат статистика қўмитаси тизими бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.